

ХОРАЗМ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ДАФН МАРОСИМЛАРИДА ХАЛФАЛАРНИНГ ЎРНИ

ЖДПИ тарих факультети тарих ва уни ўқитиш методикаси кафедраси
катта ўқитувчиси Г.Раззокова
gqodirovna0711@gmail.com

Аннотация:

Хоразмда дафн маросимларида бошқа хуудларга ўхшамаган урф-одатлар ва маросимлар ўтказилади. Бу асосан аёллар даврасида олиб борилади. Халфалар иштирок этишида асосан дафн маросимларида “уч кунлик”, “етти кунлик”, “қирқ кунлик” ва “бир йиллик” тадбирлар ўтказилади.

Kalit сўзлар:

Халфа, дафн маросими, “уч кунлик”, “етти кунлик”, “қирқ кунлик” ва “бир йиллик” тадбир, диний халфа, маросим халфалари аъза кўшиқлари.

Аннотация:

Похоронные обряды в Хорезме отличаются от других регионов. В основном это делается вокруг женщин. «Трёхдневные», «семидневные», «сорокадневные» и «однолетние» мероприятия проводятся в основном на похоронах с участием халфов.

Ключевые слова: Халфа, похороны, «трехдневное», «семидневное», «сорокадневное» и «однолетнее» мероприятие, религиозная халфа, траурные песни халфы.

Annotation:

Funeral ceremonies in Khorezm are different from other regions. This is mainly done around women. "Three-day", "seven-day", "forty-day" and "one-year" events are held mainly at funerals with the participation of khalfas.

Keywords: Khalfa, funeral, "three-day", "seven-day", "forty-day" and "one-year" event, religious khalfa, mourning songs of mourners.

Хоразмда инсон вафоти билан ўтказиладиган мотам маросими расм- русумларида (асосан аёллар даврасида – Р.Г.) халфалар иштирок этишади: “уч кунлик”, “етти кунлик”, “қирқ кунлик”, “бир йиллик” шундай

тадбирлар бўлиб, уларда дostonларнинг дунёнинг фонийлиги, инсон умрининг қисқалиги, ўлимнинг ҳақлиги, мусулмончиликнинг хосияти, эзгуликнинг афзаллиги ҳақидаги насрий ва назмий қисмлари таъсирчан ўқилади, марҳумнинг қариндошларига далда берилади, бардам бўлишга даъват этилади.

Хорзмда халфаларнинг ҳам 2 тури бор: тўйда юрувчи халфа ва маъракани олиб борувчи диний халфа¹. 1995 йилдан бери диний халфачилик билан шуғулланиб келаман, - дейди Малика опа. Диний халфалар маъракаларда назм билан ўқир эди, 5-6 йилдан бошлаб назм билан эмас, ҳукуматимизнинг маслаҳати билан маъруза қилинлар деяптилар. “Ҳидоят”, “Мўминалар” журнали, “Ислom нури” газетасидан ўқиб беринлар, жума текстлари чиқарилади. Ислom дини ҳақида маълумотлар бўлади. Маърузалар айтиб берилади, дафн маросимларида. Ҳозирги даврда 3-7 ўрнига, фақат 3 ва жаноза ўтказилади. Ота-онамга эҳсон қиламан деганларга Ислom динидан бир соат маъруза қилиб берамиз. Муҳаммад с.а.в пайғамбаримиз ҳадисларидан келтирамиз, намоз, рўза ибодатлари, ҳар бир ойнинг номлари ва ибодатлари ҳақида маърака иштирокчиларига етказамиз. Ҳалол-ҳаром фарқлари, оиладаги муносабатлар, ота-она, фарзанд, ҳақидаги маълумотларидан, Қуръон, Ҳадисларга таянган ҳолда амру маъруф қилиб берамиз. Маърузалар ўтказиладиган маросимлар (худойи-эҳсон, кичкина худойи, мушкул кушод)нинг хусусиятига 1 ёки 1,5 соатгача давом этиши мумкин². Бутун воҳада диний халфалар асли маълум мадраса ёки хусусий мактабларда таълим олган бўлиши билан бирга ҳукумат томонидан берилган йўриқнома асосида иш олиб борадилар.

Ҳозирги кунда келиб дафн маросимлари фақат 3 ёки эҳсон ва жаноза тариқасида ўтказилаётганлиги боис, диний халфаларнинг иштироки ҳам анча қисқариб бормоқда. Гарчи бундай дostonларда шаклан диний мотив ва

¹ Дала ёзувлари. 1951 йилда 21 октябрда Янгиариқ туман Шербоғи маҳалласида туғилган Сапарова Маликадан ёзиб олинди. 2020 йил.

² Дала ёзувлари. Хоразм вилояти. Беруний тумани. Полвон маҳалла, Хирли қалъа кўчаси 597-уйда яшовчи Ибрагимова Хадича халфадан ёзиб олинди. 2019 йил.

образлар устунлик қилса-да, умуминсоний мазмун етакчилик қилади. Бу жихатдан, айниқса, “Бобо Равшан” достонидан кенг фойдаланилади. Бу тасодифий эмас, албатта. Достонда Алининг ўзини қул қилиб сотиб, қашшок бобо Равшанга қилган яхшилиги мисолида бу дунёда фақат эзгулик билан яшашнинг тарғиб қилиниши ҳар бир кишининг иймон-эътиқодига таъсир қилади. Хоразм воҳасида ўлим билан боғлиқ шу каби расм-русумлар ҳам халқ театри кўринишига эгадир. Дафн маросимлари ўлган кишига узок вақт давомида аза тутиш билан боғлиқ расм-русумлардан иборат. Марҳумни дафн этиш куни бўладиган жаноза маросимига йиғилган хотин-халаж алоҳида “ўлик атрофида жазава билан зикр тушишган”. Ўзимизнинг фаолиятимизнинг чуқурроқ англаб, диний билимларимизни янада кучайтириб боргандагина халқимиз томонидан эъзозланиб, хонадонларига тақлиф қилинамиз, - дейди Беруний туманида яшовчи диний халфалар³.

Хоразмда аёллар орасидаги дафн маросимлари ва у билан боғлиқ барча маъракаларда халфалар ҳам иштирок этган. Марҳумни эслаш ва хотирлаш Хоразм ўзбекларида, туркманларда ўлган кунидан уч, ети, қирқ кун кейин, сўнг бир йил давомида ўтказилган⁴. Шунингдек, қорақалпоқларда ва қозоқларда ҳам бундай маросимлар ўтказилиши ҳақида маълумотлар учрайди. Аксарият бу маросимларда аёллар эркаклардан алоҳида хонада ўтирган ва ўша жойда диний маросимларни адо этилишида халфаларнинг ёрдами алоҳида ўрин тутган. Халфалар маросимга йиғилган аёллар орасида Қуръон тиловат қилишган. Демак, бундан кўриниб турибдики, халфаларни қўшиқ, рақс тушишдан ташқари диний билимларга эга бўлишликлари ҳам талаб этилган. Айниқса, маросим халфалари қўшиқ айтиб рақс тушувчи халфалардан маълум маънода ажралиб туришган. Чунки маросимда қатнашувчи халфаларнинг тўй-маъракаларда иштироқи воҳада унчалик кузатилмайди. Хоразм ўзбекларида эса аза маросимларида қатнашаётган марҳумнинг қариндош-уруғлари ва халфалардан бўлган хотин-қизлар

³ Дала ёзувлари. Беруний тумани, Гулистон маҳалла Ғ.Ғулом кўчаси 111-уйда яшовчи Сапарова Турсиной халфадан ёзиб олинди. 2020 йил.

⁴ Туркестанский сборник.

устиларига қора ёки кўк рангдаги кийим кийганлар. Ўтирган халфалардан бири марҳумнинг қилган яхшиликлари, энг яхши инсоний хислатлари ва марҳум билан боғлиқ воқеаларни айтиб йиғини бошлаб берганлар. Кейин марҳум қариндошлари, яқинлари ва оила аъзолари йиғини давом эттирганлар. Айниқса, марҳумнинг яқинлари сочларини ёйиб, қарсак уриб, аза қўшиғини айтиб йиғлаганлар:

Онаси:

Белимнинг қуввати, кўзимнинг нури.

Сен ўлгу нча онанг ўлсин

Вой болам, жоним болам, (йиғи билан)

Хотини:

Юрсам ёнимда, йўлдошим,

Ҳам суянчим, кўнгил ҳушим.

Заҳар бўлди ичган ошим,

Болаларинг етим қолди, вой (йиғи билан)

Синглиси:

Суянган тоғимиз,

Мева берар боғимиз.

Оғам кетди орадан

Норим кетди кўрадан, вой... (йиғи билан) деб навбатма-навбат айтишувлар ҳам қилишган⁵.

Хоразмликларнинг бу маросими илдизи узоқ тарихга бориб тақалади. Зароастризм диний эътиқоди асосида вужудга келган афсона-Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида баён қилинишича, яхшилик худоси Аҳурамазда Аҳриманга қарши курашиш учун Қаюмарсни яратди. Аҳриман унга қарши ҳужум бошлайди, аммо унга кучи етмагач, Қаюмарсинг ўғли Сиёмакни ҳалок этади.

Шеърый айтимларда эса муайян оҳанг, нутқий бўлак, қофия, вазн каби унсурлар ҳам мавжуддир. Ҳазораспик Гулжон порхондан ёзиб олинган

⁵ Дала ёзувлари. Хоразм вилояти, Хива шаҳри. 2012 йил.

шомон айтимлари анъанавий бошланмасидан кейин ёвуз рухни кувишга қаратилган ҳукм оҳангидаги матндан ташкил топган:

Ўл деганнинг ўзига қайт!

Кўролмаснинг кўзига қайт!

Муқаддас авлиёлар қабри атрофида ўтказиладиган шомонлик маросимларида ҳам халфалар иштирок этишган. Элшунос Г.П.Снесарев Гуллибиби қабристонини ўтмишда аёллар томонидан шундай маросимлар ўтказиладиган жойлардан бири бўлганлигини таъкидлайди. Унинг қайд қилишича, қабристон шайхи ва унинг муридлари ҳам аёллар бўлиб, даволаш тадбири халфа иштирокида зикр жараёнида ўтказилади. Бу воқеанинг гувоҳи бўлган хонқалик кекса аёлнинг сўзларига кўра, “зикр” биби халфанинг ибодат матнини ўқиши билан бошланади. Шу пайт эшиклардан ерга ётган ҳолда эмаклар асосий сўфилар кириб, халфанинг рўпарасига ўтиришади ва руҳий жунбушга келишиб қўлларини кафтларига ура бошлашади. Шу заҳоти ўртадаги шам, китоб ва идишлар йиғиштирилади ва ҳамма ўртага яқин келиб, тик ҳолатда давра қуришади ва ўзаро қўл ушлашиб, бир оёқда юриб, бир томонга биргаликда ҳаракат қилишади. Бемор эса ўртада тиззаси билан ерга қараб ўтиради. Унинг тепасида яна халфа билан бирга дуо ва айтимлар ўқишади ва елкасидан савалашади”.

Табаррук момолар култи билан боғлиқ анимастик қарашлар акс этган ушбу маросимнинг боши ва охиридаги сўз магияси ва сеҳрли ҳаракатда ҳам халфа фаол қатнашади. Халфа айтимлари асосан насрий шаклда бўлиб, бемор танасига ўрнашиб олиб, хасталикка сабабчи бўлади деб ҳисобланган зиёнкоми ҳайдашга қаратилади. Бу маросимда шомон халфалар сеҳрга эга деб ҳисобланган сўз ва таёқчадан фойдаланилади. Муҳими шундаки, бу жараённинг ҳар бир иштирокчиси халфа сўзи ва ҳаракатини қувватлашади ҳамда ўрни билан унга қўшилишади.

Табиийки, шомон халфаларнинг айтим ва ижро амалиётида исломий эътиқодлар таъсири кучли бўлган. Айрим тадқиқотларда шомонизм қолдиқларига исломий таъсир Ўрта Осиёда XIII асрдан бошлангани қайд

этилади. Бизнинг назаримизда, мусулмончиликкача давом этган даврга хос эътиқодий қарашлар анча яшовчан бўлган Хоразмда бу таъсир бошқа худудларга нисбатан бирмунча суст бўлган.

Умуман олганда, халфалар маърака ва мотам маросимларида шунга ўхшаш ибратли ҳикоя ва эртаклар билан одамларга панд-насихат қилиб уларга дунёнинг ўткинчилиги, инсон ҳаётдан мазмунли яшаб ўзидан яхши ном қолдиришга ҳаракат қилиши кераклигини уқтиришга ҳаракат қилишади. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, халфалар репертуаридаги асарларнинг жанрий ранг-баранглиги ва мавзу турфалиги умумўзбек оғзаки поэтик ижоди доирасида бўлиб, уларнинг ижро ва ижоддаги талқинида Хоразм аёлларига хос асрий санъат анъаналари, кўтаринки руҳ билан бетакрор нафосатни уйғунлаштирувчи услуб намоёндыр.

Адабиётлар

1. Дала ёзувлари. 1951 йилда 21 октябрда Янгиариқ туман Шербоғи маҳалласида туғилган Сапарова Маликадан ёзиб олинди. 2020 йил.
2. Дала ёзувлари. Хоразм вилояти. Беруний тумани. Полвон маҳалла, Хирли қалъа кўчаси 597-уйда яшовчи Ибрагимова Хадича халфадан ёзиб олинди. 2019 йил.
3. Дала ёзувлари. Беруний тумани, Гулистон маҳалла Ғ.Ғулом кўчаси 111-уйда яшовчи Сапарова Турсиной халфадан ёзиб олинди. 2020 йил.
4. Туркестанский сборник.
5. Дала ёзувлари. Беруний тумани, Гулистон маҳалла Ғ.Ғулом кўчаси 111-уйда яшовчи Сапарова Турсиной халфадан ёзиб олинди. 2020 йил.
6. Туркестанский сборник.